2005 YIL 22 FEVRAL, SESHANBA

# Qishloq HAYOTI

O'zbekiston Respublikasi ijtimoiy-iqtisodiy gazetasi

1974 yil 1 yanvardan chiqa boshlagan

№ 25. (6.862). Sotuvda erkin narxda

# Вазирлар Маҳкамаси мажлиси

***18 феврал куни Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг мажлиси бўлиб ўтди. Унда 2004 йилда мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маърузасидан келиб чиққан ҳолда иқтисодиётни янада ислоҳ қилиш ва эркинлаштириш борасида ҳукумат томонидан амалга ошириладиган устувор вазифалар муҳокама этилди.***

Мажлисни Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Шавкат Мирзиёев бошқарди.

Давлатимиз раҳбари Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги «Бизнинг бош мақсадимиз - жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислоҳ этишдир» номли маърузасида 2004 йилда мамлакатимиз иқтисодиётини ривожлантиришнинг асосий якунларига тўхталар экан, ўтган йил биз учун осон кечмаган бўлса-да, эришилган ютуқлар барчамизни қувонтиришини алоҳида таъкидлади. Авваламбор, иқтисодиётнинг барқарор ўсиши таъминланди, макроиқтисодий ва молиявий барқарорлик мустаҳкамланди, иқтисодиёт ва унинг айрим соҳаларидаги мутаносиблик кучайди.

Ўтган йили мамлакатимиз иқтисодиётида хусусий сектор улушини кўпайтириш, қишлоқ хўжалиги соҳасида иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш, товар ва валюта бозорларини эркинлаштириш, маъмурий ислоҳотларни кенг жорий этиш туфайли ижтимоий-иқтисодий соҳада муайян ижобий ўзгаришларга эришилди.

Иқтисодий ўсишнинг барқарор юқори суръатлари таъминланди ва ўтган йил якунлари бўйича 7,7 фоиз ўсди. Саноат ишлаб чиқариши - 9,4, истеъмол товарлари ишлаб чиқариш - 13,4, аҳолига пуллик хизматлар кўрсатиш - 13,8, чакана товар айланмаси ҳажми - 4,7, асосий капиталга инвестициялар ҳажмининг ўсиши 5,2 фоизни ташкил қилди. Макроиқтисодий барқарорликка эришилди. Истеъмол нархлари инфляцияси 3,7, давлат бюджети тақчиллиги 0,4 фоизни ташкил этди.

Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини ташкил этиш тизими тубдан ўзгарди. Ушбу тизимда етакчилик роли фермер хўжаликларига ўта бошлади. Бу, ўз навбатида, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш ҳажмининг 10,1 фоиз ўсишини таъминлади.

Экспорт ҳажми кескин ортиб, 1,3 баравар ўсишга эришилди. Бу эса 1037 миллион АҚШ доллари миқдорида ижобий сальдони таъминлаш имконини берди. Айни вақтда тайёр маҳсулотлар экспорти 52 фоиз ўсди.

Давлат муассасаларининг ортиқча ва бир-бирини такрорлайдиган функцияларига барҳам бериш борасида сезиларли ишлар қилинди. Давлат бошқарувининг 20 га яқин органини тугатиш ва қайта ташкил этиш, бошқарув аппаратларида 40 минг штатни қисқартириш йўли билан давлатнинг иқтисодиётдаги ролини муайян даражада камайтиришга муваффақ бўлинди. Айни пайтда хомашё ва материалларнинг стратегик турларини биржа ва кимошди савдолари орқали сотишнинг бозор механизмлари такомиллаштирилмоқда.

2004 йил давомида инвестиция фаоллиги суръатлари тезлашди. Инвестиция ҳажми 5,2 фоиз, шу жумладан тўғридан-тўғри жалб этилган хорижий инвестициялар 2 баравардан ортиқ кўпайди. Ўз маблағлари ва жалб этилган маблағлар ҳисобига 130 га яқин йирик саноат, коммуникация ва инфратузилма объектлари қурилди ва фойдаланишга топширилди.

Иқтисодий ўсиш, янги иш ўринларининг кўпайиши ва истеъмол нархлари инфляцияси даражасининг пасайиши аҳолининг реал пул даромадлари 15 фоиз ўсишини таъминлади. Муҳим ижтимоий дастурлар, хусусан, Кадрлар тайёрлаш миллий дастури, «Меҳр ва мурувват йили», болалар спортини ривожлантириш, соғлиқни сақлашни ислоҳ қилиш, аҳолининг кам таъминланган қатламларини ижтимоий қўллаб-қувватлаш дастурларининг мўлжалланган параметрлари ва бошқа мақсадли чора-тадбирларнинг бажарилиши аҳолининг турмуш шароитини анча яхшилаш имконини берди.

Шу билан бирга, мажлисда ўтган йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш жабҳасида қатор камчилик ва нуқсонларга йўл қўйилганлиги танқидий таҳлил этилди. Вазирликлар, идоралар, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари иқтисодиётни янада ислоҳ қилиш ва эркинлаштириш, айниқса, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик, фермерлик соҳасида мавжуд ғов ва тўсиқларни бартараф этиш бўйича белгиланган комплекс чора-тадбирларнинг тўлиқ амалга оширилишини таъминламади.

(Давоми 2-бетда)




- Ўзбекистон Республикаси Президенти номига Украина Президенти Виктор Ющенко номидан миннатдорчилик мактуби келди.
- Самарқандда Бухоро, Навоий ва Самарқанд, Фарғонада эса Андижон, Наманган ҳамда Фарғона вилоятлари ҳокимлари ўринбосарлари, қишлоқ туманлари ҳокимларининг семинар-тренинг машғулотлари бошланди.
- Тошкент вилояти хотин-қизлар қўмитаси «Замонамиз ёшлари» кўрик-танловини ташкил этди.
- «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати марказий кенгашида мазкур ташкилот ҳузуридаги Ёшлар бизнес мактаби ҳамда Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилотининг Тошкентдаги маркази ўртасидаги ҳамкорликни давом эттиришга оид лойиҳа имзоланди.
- Ўзбекистон Миллий университетида таниқли фото устаси Владислав Орлов асарлари кўргазмаси очилди.
- Ангрен кимё-саноат касб-ҳунар коллежида «Баркамол авлод» спорт ўйинларининг миллий кураш бўйича вилоят босқичи якунланди. Унда саксондан ортиқ спортчи иштирок этди.
- Фарғона шаҳрида энг илғор диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маҳалла маслаҳатчиси кўрик-танловининг шаҳар босқичи якунланди.
- Тошкент давлат юридик институтида Япониянинг Нагоя университети билан ҳамкорликда Япон тили ва ҳуқуқи маркази иш бошлади.
- Фарғонада Мусиқа ва санъат мактаби ўқувчилари ўртасида ўтказиб келинаётган Муҳиддин қори Ёқубов номидаги республика кўрик-танловининг вилоят босқичи ниҳоясига етди.
- Мамлакатимиз пойтахтидан икки йўналишда - Қорақалпоғистон Республикаси ва Фарғона водийсига умумий қиймати 70 миллион сўмлик мурувват ёрдами ортилган саломатлик поездлари жўнаб кетди.
- Сурхондарё вилоятининг Жарқўрғон туманида мотокросс бўйича Ўзбекистон очиқ чемпионатининг биринчи босқич мусобақалари якунланди.



Чилонзор туманидаги 162-мактабда «Йилнинг энг яхши мактаби - 2004» Республика кўрик танлови бўлиб ўтди.

**СУРАТДА:** ғолиб мактаблар раҳбарлари Салима Шаропова (ўртада), Муҳаррам Шамсиева (чапда), Муродил Раҳмонов (ўнгда).

2-бет

# Гаждумакда газнинг номи бор, ўзи-чи?

***Ғиждувон туманидаги Гаждумак қишлоғида яшовчи кекса педагог, меҳнат фахрийси Қайим Насимовнинг "Қишлоқ ҳаёти" таҳририятига йўллаган шикоят хатида шундай жумлаларни ўқиймиз: "Анча йиллардан буён табиий газ масаласида жуда қийналаяпмиз.***

Қишда газ босими пасайиб, уйларни иситиш, ҳатто чой қайнатиш имкони бўлмайди. Бу ҳам етмагандек, чироқ ҳам тез-тез ўчиб қолади. Газ муаммосини ҳал қилиш мақсадида бормаган идорамиз қолмади. Ҳокимлик, казо-казо мутасадди кишилар қабулида бўлдик. Бирор кимса ёрдам берай, демайди.

Газ идораларидан мутасадди кишилар келишади, хонадонларга кириб, газ йўқлигини кўришади ва кетишади. Натижа эса йўқ. Ана газ келади, мана газ келади, деб боладек алдашади-ю, баҳор келиши билан жимиб кетишади".

**БИР ШИКОЯТ ИЗИДАН**

Хуллас, мазкур шикоят хатини ўрганиш мақсадида Гаждумакда бўлдик. Хонадонларга бир-бир кириб гувоҳ бўлдикки, кекса педагогнинг куюниб ёзгани бежиз эмас экан. Қишлоқда газ деганининг номи бор-у, аммо... Чой қайнатай деб гугурт чақасиз, аммо газдан дарак йўқ. Бундай ҳолда уйни иситишга йўл бўлсин?!

– Газ тўловига деб ажратиб қўйган 40 минг сўм пулимга саксовул сотиб олдим, - дейди Шукрулло исмли йигит. – Унинг ҳам таги кўриниб қолди.

– Газни тежайлик, деган мақсадда ҳисоблагич ўрнатгандим, - дейди Аъзам Сирожев. – Аммо нафи тегмади. Босим бўлмагач, бу матоҳдан зиғирча ҳам газ ўтмаскан... Айниқса, таъзиядор оилаларга қийин. Буни тушунган тушунади, тушунмаган...

– Зиммамизга аҳолидан газ тўловларини йиғиш вазифаси ҳам юклатилган, - дейди Сармижон қишлоқ фуқаролар йиғини раиси Шуҳрат Ёдгоров. – Аммо бу аҳволда фуқароларга қандай қилиб "Газ ҳақини тўланг" дейиш мумкин?

(Давоми 2-бетда)

# Эл-юрт рози бўлсин

***Олий Мажлис Сенати аъзолигига сайланганлар орасида Республика Ёзувчилар уюшмаси Сирдарё вилоят бўлими раиси, "Маънавият ва маърифат" маркази раҳбарининг ўринбосари Ҳаётхон Ортиқбоева ҳам бор. Биз у киши билан зиёлиларнинг Ватан олдидаги маънавий бурчи ҳақида суҳбатлашдик.***

– Инсон ҳамиша ҳаётда ўзининг йўлини топиб олишга, жамиятда ўз ўрнига эга бўлишга интилиб яшайди. Назаримда, инсон учун энг олий бахт – одамларнинг меҳру-муҳаббати, элнинг эъзози. Мен буни, айниқса, шу кунларда жуда чуқур ҳис қилиб турибман. Учрашувда, давраларда ёшлар билан мулоқотлар чоғи, маҳаллалар, гузарларда ўтказиладиган гурунгларда юртдошларим нигоҳидаги чуқур эҳтиром ва меҳрни, ҳайрихоҳликни кўриб, қувонаман, умрим зое ўтмаганига амин бўламан. Ижод аҳли умр бўйи одамларнинг кўнглига йўл топишга интилади. Мен ҳам ҳаётим давомида, неки сўз айтсам, шунга ҳаракат қилдим, бу эзгу ниятимга бир қадар эришгандайман.

Турли масъул лавозимларда ишладим, одамларнинг дилидагини тушунишимда қалам ёрдам берди. Чинакам ишлайдиган одамнинг дўстлар даврасида ўз ўрни, жамоатчилик ўртасида ўз сўзи борлиги билиниб бораркан.

Инсон учун энг улуғ саодат – одамларга кераклигини ҳис қилиб яшаш экан. Ҳар куни ёш ижодкорлар, аёллар турли масалалар билан келишади, маслаҳат сўрашади, ўз муаммоларини айтиб, ёрдам сўрашади, қўлимдан келганича маслаҳат бераман, муаммоларини ҳал этиш йўлларини кўрсатаман. Ҳар куни кимнингдир бир мушкулини ечиш, кимгадир нафинг тегканини ҳис қилиш кўнглингни ёриштиради. Умрнинг шу соатидан қаноат ҳосил қилади, киши.

*– Ҳаётхон опа, яқинда Олий Мажлиснинг юқори палатаси, яъни Сенат аъзоси этиб сайландингиз. Ўша онларда қалбингизда нималар кечди?*

–Номзодим сенат аъзолигига кўрсатилган йиғилишда, ростини айтсам, ҳаяжонга тушдим, бундай катта ишончни оқлаш қўлимдан келармикан, деган ўйлар кечди кўнглимдан. Номзодлар муҳокама қилинаётганда, юртдошларим, ҳамкасбларим мен ҳақимда ҳурмат ва ишонч билан гапиришганда, ўзимда дадиллик пайдо бўлди. Айни пайтда сенаторлик зиммамизга ғоят катта масъулият ва залворли вазифалар юклашини ҳам англаб турибман.

**АЙТГИЛ, ДЎСТИМ, НИМА ҚИЛДИК ВАТАН УЧУН?**

*– Сенаторлик фаолиятингизда нималарга кўпроқ эътибор бериш ниятидасиз?*

– Мамлакат Парламентининг юқори палатаси – Сенат аъзоси бўлиш, олий органда халқнинг вакили сифатида фаолият кўрсатиш катта ҳаётий тажриба, билим ва қобилият, қолаверса, фидойилик талаб қилади. Сенатор, ижодкор, аёл-она сифатида вилоятимиз ҳаётидаги ечимини кутиб турган мавжуд муаммоларга эътибор қаратиш, уларни ҳал қилишга кўмаклашиш истагидаман. Қонунларни қабул қилишда вилоятимиз манфаатларини ифода этиш, хотин-қизлар ҳаётини яхшилаш, улар меҳнатини енгиллаштириш, саломатлигини сақлаш, оила, оналик ва болалик манфаатларини ҳимоя қилиш жараёнларида астойдил иштирок этиш ниятидаман.

*– Кўп йиллар давомида журналистика соҳасида хизмат қилдингиз. Ижодда ва оиладаги фаолиятингизнинг самараси нимада деб ўйлайсиз?*

– Қишлоқда ўсиб катта бўлганман. Отам ўқимишли, илмли киши эдилар. Олий маълумот олгач, меҳнат фаолиятимни Гулистон шаҳридаги 1-мактабда ўқитувчиликдан бошладим. Сўнгра "Сирдарё ҳақиқати" газетасида ва бошқа бир неча масъул вазифаларда ишладим. "Сирдарё ҳақиқати"даги ижодий фаолиятим умримнинг мезонини белгилаб берди, мени элга танитди. Сўнгра "Гулистон янгиликлари" – "Гулистанские новости" газеталарини ташкил этдим. Кўплаб ёш журналистларга устозлик қилдим, уларнинг кўпчилиги республика оммавий ахборот воситаларида фаолият кўрсатишмоқда.

Вилоят "Маънавият ва маърифат" марказида ишлаган йилларим "Миллий мерос ва маънавият", "Миллий ғоя ва ёшлар" мавзуларида туркум маърузалар тайёрлаб, кўпчилик билан жонли мулоқотлар олиб борганимда одамлар кўзидаги ишонч ифодасидан қаноат топардим. Ўтган йили "Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими" унвонига сазовор бўлганимда, ўзимга-ўзим савол берганимни эслайман: "Шу юксак мукофотга лойиқ нима иш қилдим?" Кўзи қора, юраги оқ халқимга, шу азиз Ватанга ҳалол меҳнатим, ижодим, заҳматкаш қаламим билан қўлимдан келганча хизматда бўлганимдан бахтиёрман.

Умримнинг қирқ йилини вилоятимиз маданиятини юксалтиришга, ёшларнинг қалбида Ватанга муҳаббат туйғуларини тарбиялашга, кишиларимиз маънавий тафаккурини ўстириш, ижодим орқали улар қалбига эзгулик ва нур олиб киришдек хайрли ишларга сарфладим. Бундай фаолиятда аёл учун қўллаб-қувватловчи муҳим бир нарса бор – оилавий хотиржамлик, бахти тўкислик ҳам ҳамиша менга катта қувват бағишлаб турган, деб ўйлайман.

*– Ёшларимиз қалбида Ватанга меҳр-муҳаббат туйғуларини ошириш, уларни шу азиз юртимизни қадрлаш руҳида тарбияламоқ учун нималар қилиш зарур, деб ўйлайсиз?*

– Бу йўлда уларга нафақат тарбия бермоқ, балки ибрат бўлмоқ лозим. Отам 16 ёшида Андижондан Мирзачўлга келган йиллари қамишларни илдизи билан қўпориб, ер очиб, чўлда деҳқончилик қилганларини сўзлаб берардилар. У киши эккан қовунларнинг шираси ҳали-ҳали оғзимда, улар яратган боғларнинг мевалари ҳанузгача дастурхонимизни безайди. Киндик қоним томган шу гўша, отамнинг покиза руҳи ҳар қадамда қўллаб, мени хайрли ишларга ундаб тургандай. Менга насиб этган масъулиятли мартабалар, шу мукофотлар ҳам элу-юртнинг ризолиги, муҳаббати туфайлидир.

Биз ёшларга Ватанни севмоқни ҳаётий ибратларимиз, қилаётган ҳар бир иш-амалларимиз орқали ўргатмоғимиз лозим, деб ўйлайман. Улар ҳам эл-юртга қанча муҳаббат қўйсалар, шунчалар муҳаббат, эътибор, эъзоз топадилар.

Суҳбатдош:
Шомурод ХОЛМУРОДОВ,
"Қишлоқ ҳаёти" мухбири.

# Офатнинг олди олинади

***Бу йилги қиш мавсумида республика ҳудудларида об-ҳавонинг кескин ўзгариши натижасида бир қатор вилоятларнинг тоғли ҳудудларида ёғингарчилик йиллик меъёрдан ортиқ бўлиши кутилмоқда.***

"Ўзгидромет" марказининг маълумотларига қараганда, қор захираларининг кўпайиши 150 фоиздан ортиши ва баҳорнинг бошидан ҳарорат кўтарилиши кутилмоқда.

Бу эса кўкламги мавсумда хавфли сел ва тошқин сувлари келишига ва фавқулодда вазиятлар келтириб чиқариш эҳтимолини кучайтиради.

**ВАЗИЯТ**

Агар ўз вақтида зарур чора-тадбирлар кўрилмаса, кутилаётган сел ва тошқин сувларидан гидротехник иншоотлар, айниқса, дарё ва сой бўйлаб қурилган селхоналар, сув омборлари, гидроузеллар ва сел сувлари келадиган сойлар билан кесишиб ўтадиган магистрал каналлар, коллекторларга жиддий талафот етиши мумкин.

Гидротехник иншоотлар ва суғориш тизимларининг биронтасида фавқулодда ҳодиса юз берган тақдирда кўплаб ер майдонлари экинларнинг вегитация даврида сувсиз қолиши ва талафотлар натижасида халқ хўжалигига катта зарар етади - Фарғона водийсининг Шоҳимардон қишлоғида 1998 йилда рўй берган табиий офатнинг етказган талофати, Сурхондарё вилоятида 1998 йилнинг июн, 2002 йилнинг апрел-май ойларидаги тошқин натижасида Шеробод гидроузелидаги бузилишлар, 1964 йилдаги Чортоқсойда, 1966 йилдаги Исфайрамсойда ва 1969 йилда Зарафшон дарёсидаги тошқин сувларининг келтирган зарарлари ҳали кўпчиликнинг ёдидан кўтарилгани йўқ.

(Давоми 5-бетда)

**СОЛИҚ**

***Ҳар қайси давлатда ўзига хос солиқ тизими мавжуд. Чунки солиқ ана шу мамлакатнинг равнақи, иқтисодиётининг юксалишига хизмат қилади.***

Қолаверса, солиқлар орқали турмуш фаровонлиги таъминланади, аҳолини ижтимоий ҳимоялаш имконлари кенгаяди.

# Унинг фойдаси ҳамманики

Мамлакатимиз мустақилликка эришгач, бизнинг солиқ тизимимиз ҳам том маънода давлатимиз ва иқтисодиётимизнинг асосий таянчига айланди. Бу борада Элликқалъа туман давлат солиқ инспекцияси ходимларининг ҳам муносиб ҳиссалари бор. Мазкур инспекция бошлиғи Худойназар Қўшназаров билан суҳбатимиз жамоа аъзоларининг масъулиятли вазифаларини қандай адо этаётгани хусусида бўлди.

(Давоми 2-бетда)

# Ватан меҳридан илҳом олиб...

## Бугун меҳмонимиз Ўзбекистон Қаҳрамони, халқ шоири Ибройим Юсупов

***- Ибройим оға, шеърларингизни севиб ўқийдиган мухлислар кўп, ҳар доим сиз шеър ўқиган давра файзга тўлади. Халқона оҳанглар, ҳар бир мисрага, сўзга сингдирилган фалсафий мазмун, дилга яқин содда ифодалар шеър шинавандасини ўзига тез жалб қилади.***

Истиқлол йилларидаги ижодингизда Мустақиллик руҳи, янги замон шукуҳи юксак бадиий ифодасини топмоқда. Ижодингизнинг бундай ёрқин жиҳати Юртбошимизнинг назарига тушиб, ҳамиша истеъдодингизни қадрлаши, шеърларингизни ўқиб келаётгани ҳақида сизга мактуб йўллаган эди. Мамлакатимизнинг олий мукофоти - Ўзбекистон Қаҳрамони унвонига сазовор бўлишингиз мухлисларингизга чексиз қувонч бахш этди. Шу маънода Мустақиллик ва ижодкор, замон ва шахс муносабатлари ҳақидаги мулоҳазаларингизни билишни истардик.

**БЕШИНЧИ ҚАВАТДА БЕШ ДАҚИҚА СУҲБАТ**

- Аввало мендай кекса шоирнинг ижоди ҳақида илиқ фикрлар билдираётган мухлисларга катта раҳмат! Дарҳақиқат, Мустақиллик, янги ҳаёт нафаси замонамизга шиддат, шижоат руҳини сингдираётир. Бу кўтаринки руҳ кишиларимиз юрагида ҳам куч-қувват уйғотган. Улар худди поездга кеч қолмаслик учун шошаётган одамлар сингари, янги ҳаёт эпкинларида, Мустақиллик нашидасидан тўла баҳраманд бўлиш иштиёқи билан тўлиб-тошиб яшамоқдалар. Замон, давр янгича яшашга чорлаётган экан, бунга "лаббай!" деб жавоб бериш керак.

(Давоми 6-бетда)

**ЧИНИҚИШ**

***Вобкент туманидаги Роҳкент қишлоқ фуқаролар йиғини ҳудудида кўркам спорт кошонаси қад ростлади.***

Нафақат туман, балки Бухоро вилоятидаги энг муҳташам бу спорт мажмуини "1-сон вилоят қурилиш" ҳиссадорлик жамиятлари уюшмасига қарашли "201-ХК МК" ҳиссадорлик жамияти қурувчилари

# Роҳкент спорт кошонаси

бунёд этишди.

–Лойиҳа қиймати 167,1 миллион сўм бўлган мазкур иншоотни қуришда жамоамизнинг энг тажрибали қурувчилари жалб этилди, – дейди жамият иш юритувчиси Қаҳрамон Неъматов. – Ғишт терувчи Қурбон Ҳожиев, уста Аҳмедов, пайвандловчи Аваз Тоиров сингари қурувчиларнинг ғайрат-шижоати ўлароқ бунёд этилган бу иншоотда спортнинг ўндан зиёд тури билан шуғулланиш имконияти бор.

(Давоми 6-бетда)

# Таъминотчи - деҳқон мададкори

***Мамлакатимизда қишлоқ хўжалиги тизимидаги ислоҳотларни янада чуқурлаштириш борасида кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда. Хусусан, ҳукуматимиз томонидан фермерларнинг эркин фаолият юргизишлари учун зарур шароитлар яратиб берилаётир.***

**ХИЗМАТ**

Фермер хўжаликларини ривожлантириш концепциясига мувофиқ зарар кўриб ишлаётган ва паст рентабелли ширкат хўжаликлари ўрнида фермер хўжаликлари ташкил этилмоқда.

Янги тузилган фермер хўжаликларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишга, Тошкент вилояти "Қишлоқхўжаликкимё" ҳудудий акциядорлик жамиятининг жойлардаги бўлимлари ҳам ўз улушларини қўшишмоқда.

Қишлоқ хўжалиги соҳасидан хабардор кишилар яхши билишадики, деҳқончиликда ҳосил салмоғи маълум даражада минерал ўғит таъминоти билан чамбарчас боғлиқ.

(Давоми 3-бетда)

BANK
ХАЛҚ БАНКИ
сизнинг оилангиз банки

| УзРТСБ Биржевые котировки сум/кг | БЕНЗИН (76) 391,0 ▼-2,0 | БЕНЗИН (91) 454,6 ▼-7,8 | ДИЗ.ТОПЛИВО 281,1 ▲ +1,0 | МАЗУТ 61,4 ▼-29,6 | СЖ.ГАЗ 155,9 ▼-26,3 |
| --- | --- | --- | --- | --- | --- |




## ТАТИМАГАН ОШ

**_Уста Бойдадахон маҳси тикади, Матқовул бува пичоқ ясайди. Икковининг дўконлари ёнма-ён, катта кўчага қараган._**



- Бойдадахон пешинда аққабаққа уринмасинлар, - овоз берди пичоқчи. - Биргалашиб тушлик қилайлик-а, ука.

Қулоғига ёқимли эшитилган мулозаматни кафолатламоқ истагида маҳсидўз "шип" этиб қариянинг қаршисида пайдо бўлди:

- Тилингизга шакар, Матқовул ака, қаёқдан кун чиқди-а? Дадам раҳматли кўп айтар эдиларки, урса қоч, берса ол, башарти биров дастурхон ёзиб...

- Бўлди, бўлди, ука, - илжайди маҳсидўзнинг отасидан қолган мундоқ "ҳикмат"ларнинг мингтасини эшитган мўйсафид. - Набирамиз ўқишга кирибди, қизим суюнганидан "дуоларингиз шарофати" деб бир сийламоқчи эди, ҳали-замон келиб қолади.

- Сизни иззат қилибдими, муродига етсин, - дея дуогўйланган уста одатига кўра бир суюлиб олишни ҳам унутмади. - Қанийди мундай зиёфат маҳали суҳбатга маза киритадиган бир офатижон билан юз граммгина...

- Ҳай-ҳай, Бойдадахон, қори-хайрга ҳаромни...

- Чой ака, чой ахир...

Кутилмаганда тилдан қолган маҳсидўз "оҳ-оҳ" деганча кўча томонга ишора қилди:

- Юришини қаранг, уста, қадамларига жон фидо.

Кўчага чала-ярим кўз қирини ташлаган чол қўшнисига жавоб бергандек бўлди:

- Буям худонинг неъмати-да, Бойдадахон.

Бува кўзойнагини бурнига қўндириб, астойдил тикилдида, "ие" деб юборди:

- Биззи қиз-ку, Бойдадахон...

Кейин гап чиқди, уста Бойдадахон Матқовул буванинг дўконида хитойи товоқда тошкўмирнинг лаққа чўғини еб, пахта гулли пиёлада заҳар ичганмиш.

## ИККИТА ОЛМА ЙЎЛ КИРА...МИ?

**_Туробжон идоранинг эски машинасини шалдиратиб, эрта кетаверади, кеч келаверади. Топиш – тутиши бўлса..._**



– Ҳар замонда кира қилмайсизми? Бензин текин, қўлингиз пул кўради, - танбеҳ берди хотини.

Йигитнинг ҳам юраги қизиди. Хуллас...

– Табибга обориб келинг, - бижиллади девордармиён Шарофат хола тўхтатиб. – Ишингизга кеч қолмассиз.

Ризолик олган кампиршо "Тико"га ўтиргач, эълон қилдики, йўлда икки қиз, бир қуда ва икки набирани олиш лозим. "Экипаж" уч кўчани айлангач, бутланди ва кира пули умидидаги Туробжон йўл юрса ҳам мўл юриб, Олмазордаги бир дарвоза қаршисида тўхтади. Бу 16 яшар маълум ва машҳур табибнинг хонадони эди.

–Бир зумда чиқамиз, - дея кириб кетган "клиентлар"дан икки ош пишгулик фурсат ўтиб ҳам, ному нишон бўлмади.

Бу орада Туробжоннинг танишларидан бири йўлиқиб, гап ташлаб ўтди:

– Ҳа-а, Ачамастон бахшига қатнаб қопсиз, ё иситма-совутма қилдираяпсизми?

Алла-замонда "муолажалар"дан оғзи қулоғига етган ҳамроҳлари кўринишди.

– Қарагин, қандай яхши қиз экан-а, - жоврарди Шарофат хола йўл-йўлакай. – Ҳам ҳожатимизни чиқарди, ҳам олма берди. Шуни сиззи болаларингиз есин, илиндим-да, қўшни...

..."Асосий масала" хусусида ақалли шама қилиб қўймаган, машинаси тўла "клиентлар"ни уй-уйига тарқатган "киракаш" кун терак бўйи кўтарилган маҳали ўз дарвозаси олдида тўхтаб, "Тико"ни бибиллатди.

–Кеч қолмайсизми, дадаси? – ташвишланди зипиллаб чиқиб келган аёл.

–Маслаҳатингга биноан киракашликни бошлаб юбордим, манави сенга.

–"Чапазак"ми? – суюнди икки дона қизил олмани қўлига олган жувон.

–Йўқ, - чўрт кесди Туробжон. –Биринчи даромад.

–Олма-я? – анқайди маслаҳатгўй бека.

–Бу олмамас, "клиентларим" берган йўлкира.

**Рустамжон УММАТОВ**

## "МЕН БОР... ҲАЙДАЙВЕР!"

**_Холмамат Норматов Термиздаги бой ташкилотлардан бирининг бошлиғи. Пул кўп. Танишлари ҳаддан зиёда. Улфатлари казо-казо одамлар..._**



Холмамат аканинг шофёри Жўравой. Яхши йигит. Бошлиғи нима деса, камини қўймай бажаради...

Йўлда оқ "Нексия" елдай учиб келаяпти. Орқа ўриндиқда Норматов. Ногаҳон милиция ходими ҳуштаги чуриллади. Холмамат ака бир қараб:

- Мен бор... Ҳайдайвер! - деди. - У менинг синфдошим... Мен бор, ҳайда!

Жўравой яна газни босди...

Эртаси... йўлда 30-40 одам. Раҳбарлар, бошлиқлар... директорлар...

- Тўхтатайми, катта? - деди Жўравой.

- Мен бор. Ҳайдайвер, - бепарво буюрди Норматов.

Жўравой зинғиллаб ўтди...

Ҳар куни шу гап... Қаерда, ким бўлса-да... "Мен бор, ҳайдайвер", дейди бошлиқ Норматов.

Бир куни...

Йўлда... Холмат Норматовнинг кўзи уйқуга кетаётганди. "Нексия" тўхтади. Норматов мулгилаб:

- Мен бор... ҳайдайвер... - деди.

Жўравой "Нексия"ни жойидан қўзғатди. Машина поезд рельслари устида... Ён томондан даҳшат билан... тинимсиз гудок чалиб поезд келаяпти... Холмамат Норматов 40-50 метр нарида... ўкириб келаётган тепловозни кўриб, ўзини йўқотди. Бутун овози билан бақирди:

- Нега ҳайдадинг, аҳ-мо-оқ!!!

Мен бор, ҳайдайвер, дедингиз-ку! - Жўравой газни босарди.

- Ҳайда! Ҳайда!!! Ҳайда!!! - Норматов қўрқувдан.. нимадир бўлиб, жойига ўтириб қолди...

Оралиқ ўн метр қолди... "Нексия" ўтиб улгурди. Норматов пешонасидан тер қуйилган... ҳолсиз... юраги ҳамон дукиллаб... кўзини юмиб... деди:

- Жўра... уйга ҳайда... уйга ҳайда... Жўра..

**Менгнор ОЛЛОМУРОДОВ**

# Вазирлар Маҳкамаси мажлиси

(Боши 1-бетда).

Хусусийлаштириш жараёнига инвестицияларни, илғор технологияларни ва замонавий бошқаришни жалб этиш мақсадида хорижий инвесторлар билан ўзаро ҳамкорликнинг самарали тизими яратилмади. Банк соҳасида иқтисодий ислоҳотлар суст амалга оширилмоқда. Солиқ тизимини тубдан такомиллаштириш зарурати етилган, хусусан, соҳада кадрлар билан ишлашни ташкил этиш замон талаблари даражасида эмас.

Жойларда ерларни ажратиш ва фермерларни танлаш бўйича ошкора бўлмаган тартиботлар амалиёти ҳамон учраб турибди. Уй-жой-коммунал хўжалигида ислоҳотлар қониқарсиз амалга оширилмоқда. Монополиядан чиқариш органлари эркинлаштириш ва рақобатли тадбиркорлик муҳитини яратиш жараёнларида ўз ўрнини топмади. Кичик ва хусусий бизнес корхоналари маҳсулотларини экспорт қилишга кўмаклашиш тизими ташкил этилмаган.

Мажлисда вазирлик ва идораларда, хўжалик бирлашмаларида сақланиб қолаётган бюрократик услуб, раҳбар ходимларда олдида турган мақсад ва вазифаларни ҳал этиш учун зарур масъулият ва омилкорликнинг етишмаслиги мавжуд нуқсон ва камчиликларнинг асосий сабаби эканига алоҳида эътибор қаратилди.

Президентимиз ҳукуматнинг янги таркиби билан Оқсаройда ўтказилган йиғилишда сўзлаган «Янги ҳаётни эскича қараш ва ёндашувлар билан қуриб бўлмайди» мавзуидаги нутқида таъкидлаганидек, ҳозирги кунда ислоҳотлар тақдирини, аввало, давлат ва ҳукумат идораларида масъул лавозимда ўтирган одамлар ҳал қилишини, бинобарин, улар шу масалага бевосита жавобгар эканини барчамиз чуқур англаб олишимиз шарт. Шу маънода, мажлисда раҳбар ходимлар ўзлари бошқарадиган соҳа ёки ҳудудларда ислоҳотларнинг тўла амалга оширилиши учун шахсан масъул эканликлари яна бир бор уқтирилди.

Йиғилишда баҳорги дала ишларига ўз вақтида тайёргарлик кўриш, белгиланган муддатларда қишлоқ хўжалиги корхоналари билан кредит битимлари тузишни тугаллаш, қишлоқ хўжалиги товар ишлаб чиқарувчиларини тегишли шартномалар асосида ёнилғи-мойлаш материаллари билан таъминлаш, кўкламги агротехника тадбирларини ўтказишда ишлатиладиган барча қишлоқ хўжалиги техникасини тайёрлаш зарурлиги қайд этилди.

Вазирликлар, идоралар, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари зиммасига ўн кун муддатда Парламент палаталарининг қўшма мажлисидаги маърузасида ва Оқсаройда Вазирлар Маҳкамасининг янги аъзолари иштирокида ўтказилган йиғилишида давлатимиз раҳбари томонидан белгилаб берилган талабларга асосан иқтисодиёт тармоқларида, мамлакатимизнинг барча ҳудудларида иқтисодий ислоҳотларнинг боришини танқидий кўриб чиқиш, ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг устувор вазифаларини амалга оширишни таъминлайдиган зарур чора-тадбирлар комплексини ишлаб чиқиш топширилди.

Мажлисда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари Р.Азимов сўзга чиқди. Кўрилган масалалар юзасидан Давлат мулкини бошқариш ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитаси раиси М.Асқаров, Давлат солиқ қўмитаси раиси Б.Парпиев, Марказий банк бошқаруви раиси Ф.Муллажонов, Монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси раиси Ж.Сайфиддинов, Қишлоқ ва сув хўжалиги вазири С.Исмоилов, Бухоро, Жиззах, Наманган, Тошкент вилоятлари ҳокимлари С.Ҳусенов, У.Яманкулов, И.Нажмиддинов, К.Тўлаганов ва бошқаларнинг ахбороти тингланди.

Йиғилишда муҳокама этилган масалалар бўйича тегишли қарор қабул қилинди.

**(ЎзА)**

# Гаждумакда газнинг номи бор, ўзи-чи?

(Боши 1-бетда)

Йиғин раиси ҳақ. Емаган сомсага кимнинг ҳам ҳақ тўлагиси келади. Аммо энг ташвишлиси...

– Одамлар газ бўлмагач, тутзорларни чопиб, ўтин қилишаяпти, ипак қуртини қандай боқамиз, деган муаммо юзага келаяпти, - дейди Ш.Ёдгоров. – Аҳволни кўриб турган фермерлар ипак қурти боқиш бўйича шартнома тузишдан ўзларини четга тортишаяпти.

Қаранг, бир муаммо ортидан кетма-кет ташвиш келиб чиқаяпти. Аслида бу ерда газ муаммоси бугун пайдо бўлгани йўқ.

Гаждумак аҳоли ғоят тиғиз яшаётган қишлоқлардан саналади. Йиғин ҳудудида 15 минг нафардан зиёд киши истиқомат қилади. Газ муаммоси туғилган 90-йиллардаёқ қишлоқ зиёлилари турли идора ва ҳокимликларга хатлар ёзишган. Бизга 1993 йилдан буён жўнатилган хатларнинг нусхаларини кўрсатишди.

– 2004 йилнинг ноябрида вилоят ҳокими ўринбосари Н.Ҳамдамов қабулида бўлиб, газ муаммосини ҳал этишда ёрдам сўрадик, - дейди маҳалла фаолларидан бири, кекса педагог Х.Ражабов. – У вилоят газ идораси бош муҳандиси Ўктам Абдиевга зарур топшириқларни берди. Муаммо эрта-индин ҳал бўлиши ҳақида ваъда олдик.

Ҳа, бу гал ҳам ваъда қуюқ бўлди. Аммо ваъда билан уйлар исиганида бугун Гаждумак аҳлидан кўра бахтиёр кишилар бўлмас эди.

– Сирасини айтганда, Гаждумак ва унинг ён-атрофидаги 24 та қишлоқда табиий газ йўқ ёки босим жуда паст, - дейди йиғин раиси Ш.Ёдгоров. – Биз аҳолининг истеъмолчи сифатидаги ҳуқуқлари бузилаётганини инобатга олиб далолатномалар тузганмиз.

Хўш, бу масалада мутасаддиларнинг фикри қандай?

– Қўшни Навоий вилояти Қизилтепа туманидан Гаждумаккача тортилган газ қувурлари узунлиги 62 километрни ташкил этади, - дейди "Бухорогаз" ҳудудий газ таъминоти корхонаси бош муҳандиси Ўктам Абдиев. – Қувурлар эскирган. Газ босими ҳам паст. Истеъмолчи сони эса кўп. Ҳозир ўша ҳудудда йигитларимиз ишлашаяпти...

Аммо Гаждумакда қачон газ таъминоти яхшиланади? Нега масалага йиллар давомида эътиборсиз қаралган? Бунга ким айбдор?

Бу саволларга ҳозирча тайинли жавоб тополмадик.

**Истам ИБРОҲИМОВ,**
**"Қишлоқ ҳаёти" мухбири.**

## «Хизбут-таҳрир» аталмиш ташкилотнинг «беозор» аъзолари қўлга олинди

**_«Интерфакс» агентлигининг хабарига кўра, 2005 йил 17 февралда Қарағанда шаҳрида «Хизбут-таҳрир» экстремистик ташкилотининг тарафдори қўлга олинган. Унинг ёнидан портловчи мослама ва экстремистик мазмундаги варақалар топилди._**

Вилоят полицияси матбуот хизматидан маълум қилишларича, вилоят ички ишлар бош бошқармаси уюшган жиноятчиликка қарши кураш бошқармаси ходимлари ўтган чоршанба куни эрталаб «Хизбут-таҳрир» тарафдорини қўлга олган. У ижарада турган хонадонда ўтказилган тинтув чоғида кўрпача тагидан араб ва рус тилларидаги экстремистик мазмундаги 140 та варақа топилди. Шунингдек, унинг ёнидан портловчи мослама чиқди.

Қирғизистоннинг «АКИ-пресс» ахборот агентлиги хабарларига кўра, шу кунларда Ўш вилояти ва шаҳри ички ишлар бошқармалари ходимлари махсус операция ўтказган. Унинг давомида Қорасув шаҳрида диний-экстремистик гуруҳлар билан алоқадорликда гумон қилинган 1976 йилда туғилган йигит қўлга олинди. Илгари судланган мазкур фуқаронинг уйидан салкам 1 килограмм портловчи модда, 2 та детонатор ва 28 сантиметр бикфорд ипи топилди. Бундан ташқари, унинг уйидан диний-экстремистик мазмундаги кўплаб варақалар, китоблар ва видеокассеталар чиқди.

Мавжуд маълумотларга кўра, қўлга олинган шахс «Хизбут-таҳрир»нинг фаол аъзоларидан биридир.

**(ЎзА)**

(Боши 1-бетда)

- Қувонарлиси шундаки, инспекция ходимлари ўтган йили самарали хизмат қилишди. Бюджетга режа кўрсаткичи 1577124,0 сўм ўрнига ҳақиқатда 1681739,0 сўм қилиб адо этилди. Асосий 18 та солиқ турларидан белгиланган топшириқлар анча ортиғи билан бажарилди. Жумладан, фойда солиғи, қўшимча қиймат, акциз, ер, жисмоний шахслар мол-мулк солиқлари режаси 138 фоизга уддаланди.

Албатта, бу каби ижобий натижаларга ходимларимизнинг аҳиллик билан, изчил фаолият олиб боргани туфайли эришилди, деб айта оламан.

**- Баъзан даромадни яшириб қолиш, солиқ тўламаслик, сохта тадбиркорлик сингари қонунбузарликлар содир этилаётгани ҳам ҳеч кимга сир эмас. Бундай салбий ҳолатларга нисбатан инспекция ходимлари қандай чоралар кўришмоқда?**

# Унинг фойдаси ҳамманики

- Тўғри, солиқ - иқтисодиётимиз таянчи, деймиз-у бу ҳақиқатни тўлиқ тушуниб етмаган шахслар, раҳбарлар борлигини ҳам инкор этолмаймиз. Шу ўринда фактларга мурожаат қилайлик. Туманимизда 31 юридик шахс ва тадбиркор тамаки ва алкогол маҳсулотлари билан савдо қилиш учун лицензия олган. 49 юридик шахс 117 савдо шохобчасида чакана савдони амалга ошириш гувоҳномасига эга. Улардан ўн биттаси эса улгуржи савдони амалга оширишга ҳам рухсат олган. Савдо шохобчаларида назорат касса машиналари мавжуд.

Аммо ўтказилган 22 та текширувнинг 9 тасида аниқланган нуқсонларга асосан айбдорларга энг кам иш ҳақининг юз баробари миқдорида жарима қўлланилди. Ўн учта текширувда нақд пул банкка вақтида топширилмаганлиги аниқланиб, тегишли чоралар кўрилди.

Бундан ташқари сохта тадбиркорларнинг ҳам пайини қирқиш юзасидан қатъий чора-тадбирлар олиб борилмоқда. Ўтган йили 170 нафар тадбиркор қайта рўйхатдан ўтказилиб, улардан айни пайтда 89 нафари фаолият кўрсатаётир. Ташкил қилинган 17 та рейдда 130 нафар фуқаро солиқ қонунчилигини қўпол равишда бузаётганлиги аниқланиб, 12 фуқародан 3143 пачка тамаки маҳсулотлари, 7 фуқародан 97,2 минг сўмлик спиртли ичимликлар давлат фойдасига мусодара қилинди.

Бизни ташвишга қўяётган ҳол солиқ ва тўловлар бўйича баъзи мансабдор шахсларнинг қонунбузарликка йўл очиб бераётганлигидир. Биргина мисол: текширувларда аниқланган бир юз ўн битта қонунбузарлик айнан мансабдорларнинг фаолиятидаги салбий жиҳатлар билан боғлиқ. Натижада 113 мансабдор шахсга нисбатан жарима солинди.

**- Маълумки, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг ўтган йил 1 ноябрдаги "Электр энергиясидан фойдаланганлиги учун ҳисоб-китоб механизмини тубдан тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори Давлат солиқ инспекцияси ходимлари олдига янада масъулиятли вазифани кўндаланг қўйди.**

- Дарҳақиқат, мазкур қарор солиқчилар зиммасига масъулиятли ҳамда ҳаётий вазифаларни юклади. Ўтган қисқа муддатда Қорақалпоғистон Республикаси Электр тармоқлари корхонасининг туман бўлими томонидан муддати ўтган қарздор корхоналар реестри тузилди. "Элликқалъаматлубот", "Элликқалъаагротранс", "Пилла" ОТАЖ, АТК ОАЖ "Элликқалъа", "Қирққиз азамати", "Ўзбегим дурдонаси" сингари хўжалик ва ташкилотлар шулар жумласидан. Уларнинг муддати ўтган қарзлари 1 миллион 666,5 минг сўмни ташкил қилади. Айни пайтда ушбу маблағни мажбурий ундириш юзасидан Қорақалпоғистон Республикаси Хўжалик судига даъво аризаси киритилди.

**Суҳбатдош:**
**Абдураҳмон ИСКАНДАРОВ,**
**"Қишлоқ ҳаёти" мухбири.**



## 2005 йил – Сиҳат-саломатлик йили

Дўстлик туманидаги марказий шифохонада аҳоли саломатлигини тиклаш учун етарли шароитлар яратилган. Бу шифо масканида врач ва ҳамширалар хизматидан кишилар мамнун бўлишмоқда.

СУРАТДА: "Шуҳрат" медали соҳибаси, ҳамшира Венера Матқобулова.

**Бахтиёр АКРАМОВ олган сурат.**

# Илғор мактаблар ибрати

**_Бугунги кунда мактаб таълимини ривожлантириш, бу ўқув даргоҳларининг моддий-техник таъминотини мустаҳкамлаш, замонавий педагогик технологияларни тадбиқ қилиш каби кенг кўламли ишларни амалга ошириш давлат сиёсати даражасига кўтарилгани ҳам бежиз эмас._**

Мактаб таълими борасидаги ислоҳотлар заминида Ўзбекистон Республикасининг "Таълим тўғрисида"ги Қонуни ва Кадрлар тайёрлаш миллий дастури, "2004-2009 йилларда мактаб таълимини ривожлантириш Давлат умуммиллий дастури"да белгиланган вазифаларнинг изчил давомийлиги кўзга ташланади. Таълимга эътибор ҳар қачонгидан кучайганлиги мактаблар ҳаётида аллақачон ўз ижобий самараларини бера бошлади.

Халқ таълими вазирлиги ташкилотчилигида ҳар йили ўтказиб келинаётган "Йилнинг энг яхши мактаби" кўрик-танловининг бу йилги ўзига хослиги, таълим соҳасидаги янгиланишлар акс эттирилганлиги ҳам ана шу юксак эътиборнинг яна бир ёрқин ифодаси бўлди. 16-18 феврал кунлари Чилонзор туманидаги 162-мактабда шу кўрик-танловнинг якуний 3-босқичида Тошкент шаҳри, Қорақалпоғистон Республикаси ҳамда барча вилоятларда ғолиб деб топилган 14 та мактаб жамоалари иштирок этишди.

–Танловнинг республика босқичида иштирок этаётган педагогик жамоаларнинг кўпчилиги қишлоқ мактаблари эканлиги қувонарлидир, - дейди биз билан суҳбатда Халқ таълими вазирлигининг бош назоратчиси Абдураҳим Носиров. – Бу эса ўқитишнинг замонавий усуллари, технологиялари, янги техник жиҳозлар қишлоқ мактабларига ҳам кириб бораётганлигини билдиради.

Танлов шартларига кўра иштирокчи мактабларнинг намунали ишлари кўргазмаси ташкил этилди, мазкур жамоалар танловга тақдим этган ҳужжатларда "Таълим тўғрисида"га Қонун ва юқорида таъкидланган дастурлар ҳамда таълим тизимини ислоҳ қилишга доир қарорлар ижроси, мажбурий таълим талабларининг бажарилиши, мактабнинг моддий-техник таъминоти, зарур китоб ва қўлланмалар билан таъминланганлик даражаси, билим самарадорлиги таҳлили, битирувчиларнинг турли ўқув юртларига кириши ҳақидаги маълумотлар, ўқувчилар эришган муваффақиятлар ва шу каби яна бир неча йўналишдаги кўрсаткичлар ўз ифодасини топган. Ўтказилган компьютер тақдимоти ва саҳна чиқишларида ҳам мактаб фаолиятига доир маълумотлар, ўқув жараёнлари билан бирга ўқитувчиларнинг малакаси ва маҳорати ҳам намоён бўлди.



### ТАЪЛИМ ВА ИСЛОҲОТ

– Қишлоқ шароитини кўзда тутганда танловнинг энг юқори босқичига етиб келишингизни таъминлаётган омиллар нималардан иборат деб биласиз? – деб сўрайман Бухоро вилояти Когон туманидаги 3-умум таълим мактаби илмий мудири Ҳурматой Турсуновадан.

– Бу кўп нарсаларга боғлиқ, - дейди у. – Аввало, таълим-тарбиянинг давлат таълим стандартлари талабларига мос ташкил этилганлиги, ўқувчиларимизнинг дарслик китоблар билан 98 фоиз таъминланганлиги, мактаб базасининг шаклланганини, йўналтирилган ва ихтисослашган синфлар ташкил этилгани, ўқитувчилар малакасини оширишга жиддий эътибор қаратилгани ва шу каби ижобий изланишлар шулар жумласидандир. Мактабимизда битта компьютер хонаси ва яна иккита "Пентиум-4" русумли шахсий компьютер нафақат ўқувчилар, балки ўқитувчилар билим ва малакаларини оширишга ҳам хизмат қилмоқда.

– Бизнинг энг катта ютуқларимиздан бири чўл шароитида ҳам мактабимизнинг малакали кадрлар билан тўлиқ таъминланганлигидадир – дейди Жиззах вилояти Пахтакор тумани Нодира номли 6-мактаб директори, "Эл-юрт ҳурмати" ордени нишондори Шарофат опа Тўраева. –Мактабимиз шаҳар ўқув даргоҳларидан қолишмайди. Ўқув лабораториялари мавжуд, дарсликлар, зарур жиҳозлар билан таъминланган. Ўқувчилар мактабда ўз устозларини фақат ўқитувчи формасида кўрадилар, бу ўқиш кайфиятини уйғотади, ўқувчиларимиз ҳам мактаб формасида келадилар.

Қашқадарё вилояти Китоб туманидаги Мирзо Бедил номли 30-мактаб директори Бойаҳмад Рўзаев ўқувчиларнинг тиришқоқлиги, билимга чанқоқлиги ҳақида мулоҳаза билдиради:

– Фарзандларимизнинг ўқуви баланд. Қишлоқ болалари компьютерга жуда иштиёқманд, клавишларни бир босиб кўрсам, ўргансам дейди, тезда ўзлаштиришади.

Мазкур танлов якунига кўра, Тошкент шаҳридаги 324-мактаб (мактаб директори Салима Шаропова) жамоаси "Йилнинг энг яхши мактаби -2004" республика кўрик-танлови ғолиби бўлди ва уларга компютер жамланмаси тақдим қилинди. Наманган шаҳридаги 50-мактаб (мактаб директори Муҳаррам Шамсиева) жамоаси иккинчи ўринни, Фарғона туманидаги 15-мактаб (мактаб директори Миродил Раҳмонов) жамоаси учинчи ўринни эгалладилар ва уларга рангли телевизор совға қилинди. Шунингдек, Элликқалъа туманидаги 28-мактаб жамоаси "Энг кўркам мактаб", Андижон шаҳридаги 31-мактаб "Энг замонавий мактаб", Каттақўрғон шаҳридаги 11-мактаб "Илғор тажриба мактаби", Хоразм вилоятидаги 8-лицей-интернат "Билимдон битирувчилар мактаби", Пахтакор туманидаги 6-мактаб жамоаси "Чемпионлар мак-



таби", Қизилтепа шаҳридаги 5-мактаб жамоаси "Тадбиркор раҳбар ва жамоа", Чиноз туманидаги 2-мактаб "Ташаббускор раҳбар жамоаси", Китоб туманидаги 30-мактаб жамоаси "Мазмун излаётган мактаб", Сирдарё туманидаги 1-мактаб жамоаси "Энг ҳамжиҳат мактаб" номинациялари бўйича совринларга сазовор бўлдилар ва уларга қимматбаҳо совғалар топширилди.

Тадбирда иштирок этган Ўзбекистон Республикаси халқ таълими вазирининг биринчи ўринбосари Рустам Аҳлиддинов ушбу танловдан кузатилган мақсадлар ҳақида сўзлар экан, бу энг илғор педагогик жамоаларнинг иш тажрибаларини мамлакат миқёсида кенг оммалаштирилиши ҳам кўзда тутилганини таъкидлади.

**Дилором МАТКАРИМОВА.**
**Бурхон РЎЗИҚУЛОВ олган суратлар.**

МАСЛО ХЛОПК. 814,1▼-2,1 | САХАР 538,1▲ +13,8 | МУКА выс.сорт 292,7 ▲+0,1 | МУКА 1 сорт 196,3▼-1,3 | МУКА 2 сорт 180,0▼-0,9 | ЦЕМЕНТ 29,5 ±0,0

